Mas`uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi «PROMSTROY-AUDIT» auditorlik tashkiloti

Аудиторская организация «PROMSTROY-AUDIT» в форме общества с ограниченной ответственностью

MChJ «PROMSTROY-AUDIT» AT

АО «PROMSTROY-AUDIT» ООО

Навоий вилояти, Навбахор туман, Янгиқўрғон КФЙ. Почта манзили: Навоий шаҳар Низомий-24А
Тел: +99(895) 607-61-76, офис: 8(436) 224-02-34, факс: 8(436)224-36-68. ХХТУТ:84400, Х/р:20208000004864156001,
Навоий вилояти Кармана туман Алока банки, МФО:01007. СТИР:207094830. E-mail: PSA.SJJ-2011@mail.ru

Навоий вилояти Навоий шаҳри "Навоий савдо комплекси" АЖ нинг 01.01.2015 йилдан 01.01.2016 йилга қадар бўлган молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви якуни бўйича

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Навоий шаҳри ***15 март 2016 йил.***

Мен Навоий шаҳар Низомий кўчаси-24 уйда жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 16 сентябр 2008 йилда берилган №0 610 сонли малака сертификатига эга аудитори Ж.Ж.Саидов, «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг 15.02.2016 йил №.10/1.ич сонли буйруғига ва "Навоий савдо комплекси" АЖ билан тузилган 12.02.2016 йил №26/016-сонли шартномага асосан ташкилотнинг 01.01.2015 йилдан 01.01.2016 йилга қадар бўлган молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август № 394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда № 1091 сонли давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 12 январ 2011 йилда берилган АФ № 00720 сонли (барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи) ЛИЦЕНЗИЯ га эга.

Навоий шаҳри "Навоий савдо комплекси" АЖ. Навоий вилояти, Навоий шаҳрида жойлашган.
Хисоб рақами: 20210000104288879001, МФО:00207. "УЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ" АТБ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ. ИНН: 204718362. ОКНОХ 71270

Аудиторлик текшируви ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган АФМА ларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини таказо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошка молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради.

Бизнинг фикримизча "Навоий савдо комплекси" АЖ нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади деб ушбу ижобий хулоса берилди.